



2020 у « 30 » сентябрь

№ Қ-551

« ___ » _____ 20__ г

**Қумқўрғон тумани “Оққапчиғай” массиви
“Кўганли” маҳалласи ҳудудидан “CHORIYOR
BARAKA 777” фермер хўжалигига “Товуқхона”
қурилиши учун рухсат бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,87-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 сентябрдаги 05-02/661-сон йиғилиш баёни ва Қумқўрғон туман ҳокимининг 2020 йил 03 сентябрдаги 220/01-36-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 сентябрдаги 05-02/661-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Қумқўрғон тумани “Оққапчиғай” массиви “Кўганли” маҳалласи ҳудудидан “CHORIYOR BARAKA 777” фермер хўжалиги ҳисобидаги қишлоқ хўжалиги харитасининг 431ақ-дала контуридаги 0,50 гектар яйлов ер майдонида “Товуқхона” қурилиши учун доимий фойдаланишга рухсат берилсин.

3. “CHORIYOR BARAKA 777” фермер хўжалиги “Товуқхона” қурилишига рухсат берилган 0,50 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 8 351 310 (саккиз миллион уч юз эллик бир минг уч юз ўн) сўм давлат тўлов қоплама кийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги газначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

5. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Қумқўрғон тумани ҳокимлиги (Р.Гаппаров) рухсат берилаётганлиги муносабати билан туман ер ҳисоботида ва ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига топқилансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов